

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ  
АМАЛИЙ ТАЖРИБАСИ**

*Radjabova Gulbahor Mamatraimovna*

*Termiz davlat pedagogika instituti o'qituvchisi*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, бундан ташқари Россия каби хорижий мамлакатларнинг амалий тажрибаси ёритилган.

**Калит сўзлар:** таълим, тарбия, мактабгача таълим, ривожланиш, мактабгача таълим тизими хусусиятлари, хорижий тажриба, ислоҳот

**Кириш**

Мамлакатимизда таълим тизими ҳар доим давлатнинг эътиборида бўлмоқда. Соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда бу соҳа чуқур ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларини ўз ичига олган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида таъкидлаганидек, «Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар ахволи танкидий тахлил қилиб берилган эди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Биринчи вазифа - мактабгача таълим соҳасида<sup>1</sup>». Мазкур вазифани бажариш борасида жорий йил мобайнида мактабгача таълимни узлуксиз таълим тизимининг ажралмас, бирламчи буғини сифатида такомиллаштириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор муҳим хужжатлар қабул қилинди.

Маълумки мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғларини кенгайтириш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш,

болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан ислоҳ қилиш, ҳамда таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 29-декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2707-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор билан тасдиқланган «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур»нинг асосий мақсадли вазифалари ҳамда йуналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болажонларни интеллектуал, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш белгиланган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9-сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 3261-сон қарорида мавжуд тизимли камчиликлар, мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўскянлик қилаётган сабаблар кўрсатиб ўтилган жумладан:

-биринчидан, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ва мазкур соҳада нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чикиш ва жорий этиш имконини бермаяпти;

-иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, ижтимоий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатидан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаганлиги;

-учинчидан, мактабгача таълим ташкилотлари инфратузилмаси ва моддий техника базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг хаддан ташқари тўлиб кетишига олиб келинганлиги;

-тўртинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фоа-лиятининг кундалик коидаси булиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мулжалланган иктиносидий дастурнинг энг мухим устувор йуналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъзуза. 2017 йил 14 январь. - Т.: «Ўзбекистон», 2017. -44-45-б.

болалиқдан китоб ўқишига қизиқиши тағдилеттік мәдениеттік материалдар ва бадий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги;

-бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада хал этишига қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмаганлиги;

-олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб килиш имконини бермаётганлиги;

-еттинчидан, мактабгача таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат күрсатиш бўйича худудий соғликни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг хаёти ва соғлигини ҳимоя килиш, шу, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда<sup>3</sup>.

Ушбу Қарорга кўра мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикиш бўйича комиссия ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар белгиланган:

- мактабгача ёшдаги болаларни самарали ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишда давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;
- мавжуд амалиёт ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий ҳукуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат мұхитини шакллантириш шароитларини яратиш ҳамда давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабгача таълим ташкилотларининг янги шаклларини жорий этиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентябрдаги «Ўзбекистон

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини туб-дан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» ПК.-3261-сон карори. // «Халк сузи», 2017 йил 11 сентябрдаги сони.

Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ 3305-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда таъкидланганидек: «...Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигича қолмоқда»<sup>4</sup>. Мазкур Қарорда мактабгача таълим тизимини ислоҳ килишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш максадида кенг куламли тадбирларни амалга ошириш кузда тутилган. Бу борада педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш белгиланган. Куйида бир нечта хорижий мамлакатлар таж-рибаси тахлил этилган.

*Россия Федерацииси мактабгача таълим тизимининг хусусиятлари.* Таълим доирасидаги давлат сиёсати мамлакат конституцияси ва таълим тўғрисидаги қонунида ўз аксини топган гуманизм ва демократия ғоялари асосида кўрилган. Бу хужжатларда таълим инсонни давлат, жамият ва шахснинг уз манфаатига максадли йуналтирилган уқитиш ва тарбиялаш жарабёни эканлиги курсатиб ўтилган. Энг кичик ёшдаги болалар учун хам таълим олиш имкониятини бериш ғояси 1918-йилда «Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги Низом» вужудга келгандан сўнг пайдо бўлган. Бола учун илк устозлар унинг отонаси ҳисобланади. Улар болаларни гўдаклигидан жисмонан, интеллектуал ва аҳлок масалаларида тарбиялашлари лозим. Намунавий низомларга биноан, болалар таълим муассасалари беш турга булинади:

- ривожланишнинг бир-икки йуналишини амалга оширишни муҳим деб билган болалар боғчалари;
- психикаси нормадан оҳиб кетган болаларни малакали коррекциялашга қаратилган компенсацияловчи турдаги боғчалар;
- тарбиячи назорати остида болалар билан соғломлаштириш машқлари ўтказиб бориладиган болалар боғчалари;
- ўз худудида умумий ривожланиш, соғломлаштириш ва компенсацияловчи гурухлар турли вариантларда жамланган болалар боғчалари;
- болаларни эрта ривожлантириш марказлари кичкинтайлар соғломлашиши, янги билимлар ва қобилиятларни эгаллаши, руҳий мадад олиши мумкин бўлган

---

<sup>4</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2017 й. «Халк сузи» газетаси, 2017 йил 3 октябрь.

болалар боғчалари.

Айрим натижаларнинг кўрсатишича, инглиз педагогларининг 75 фоизи болаларни таълим олишга қизиқтириш учун ташқаридан мотивация қилишни номаъқул деб хисоблайдилар (масалан, болалар ўртасида мусобақалашиш шаклини). Бундай позиция негизида илмий асосланган маълумотлар ётади. Масалан, М.Леппер ва Д.Грин тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш учун мукофотланганлари мисоли келтирилган. Шундан сўнг болалар бўш вақтида узича расм чизишни хоҳламай, факат мукофот учун расм чизишни истаб қолганлар. Бошқача килиб айтганда, болаларда ички мотивация йуқолиб, унинг ўрнини ташқи мотивация эгаллаган.

Деярли хамма тарбиячилар болаларнинг хам ривожланиши, хам руҳий шаклланиши даражаси диагностикаси учун мазмунли ролли ўйинлар, расм чизиш ва нарсалар ясаш усулидан фойдаланиш керак деб хисоблайдилар. Қандай қилиб тарбиячи бўлиб ишилаш мумкин? Болалар боғчасида ишлашга рухсат олиш учун алоҳида тегишли тайёргарлик қилиш лозим. Тарбиячиларнинг атиги 20 фоизи бакалавр мақомига эга. Педагог ёрдамчиси ёки энага бўлиш учун маҳсус 15 соатлик тайёрлов дастури ўқишилари керак.

*Германияда мактабгача таълим тизими.* Германия қонунларида мактабгача таълим олишнинг бепул ҳукуқи белгиланган. Болаларни 4 ойлигиданок яслига олиб бориш мумкин. Кўпчилик немислар бу ҳукуқдан фойдаланадилар. Немисларда кекса авлод вакиллари бўлмиш буви ва бувалар неваралар туғилгандан сунг нафақага чиқиб, улар олдида мажбурият тушунчаси йўқ. Шунинг учун ота-оналар болаларини болалар боғчалари ва яслига беришга мажбур бўладилар. Мактабгача тарбия ташкилотларининг ранг-баранг шакллари ва турлари мавжуддир. Энг қизикарли болалар боғчалари турлари қуйидагича:

1. Waldkindergarten (немисча Wald сузидан- урмон, Kindergarten - болалар боғчаси). Бундай болалар боғчаларини яратиш фикри Скандинавияда бошланган. Кўпинча бундай боғчалар ўрмонда жойлашади. Болажонлар доимо очик хавода бўладилар, дараҳтлар ва бошқа ўсимликларни ўрганадилар, табиий материаллардан турли нарсалар ясайдилар. Болаларга табиатни севиш ва уни асраб-авайлаш ўргатилади.

2. Bauernhof kindergarten (немисча Bauernhof сузидан - дехқон ховлиси, Kindergarten-болалар боғчаси). Бундай боғчалар дехқон хўжаликларида, фермалар ёки уларга яқин ерларда жойлашган бўлади. Болалар кучлари етгунча фермерларга молларни боқишида, дала ва боғларда сабзавот ва мевалар ўстиришда ёрдам берадилар.

## Хулоса



Хулоса ўрнидп шуни таъкидлаш жоизки хорижий давлатларнинг мактабгача таълим тизимларини муттасил ўрганиб бориш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил этиш ва республикамиз шароитига мослаштириш бўйича аник чора-тадбирларни ишлаб чиқиши мамлакатимиз мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9-сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-3261-сон карори. // «Ҳалк сўзи» газетасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 181 (6875)-сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тутрисида» ПФ-5198-сон фармони. // www.lex.uz
3. Рахматова, И. И. (2016). Место и значение игры в процессе художественного воспитания. *Ученый XXI века*, 23.
4. Radjabova, G. M. The educational value of oral folk art for preschoolers. *European research*, (1), 75.
5. Rajabova, M. G., Makkaeva, R. S. A., & Mahluff, A. (2021). Strategic framework for sustainable enterprise development. In *Sustainable Development of Modern Digital Economy: Perspectives from Russian Experiences* (pp. 35-43). Cham: Springer International Publishing.
6. Rajabova, M. (2021). O'ZBEKISTONDA INVESTITSION FAOLLIKNI OSHIRISH YO'LLARI VA SAMARADORLIGINI BAHOLASH. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).
7. Rajabova, M. (2021). MAMLAKATIMIZDA MEHNAT RESURSLARI VA MEHNAT SALOHIYATI KO 'RSATKICHLARINI BAHOLASH SAMARADORLIGI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).

- 8.Rajabova, G. (2021, September). MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI VA BOSHLANG'ICH TA'LIM ORASIDAGI UZVIYLIK: DOI: 10.53885/edinres. 2021.58. 96.028 Rajabova Gulbahor Mamatraimova, TerDU Pedagogika instituti. In *Научно-практическая конференция* (pp. 65-66).
- 9.Раджабова, Г. М., Турсунова, Ю. С., & Бозорова, Х. М. (2018). ОРГАНИЗАЦИЯ ХУДОЖЕСТВЕННО-КОНСТРУКТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА УРОКАХ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ. *Интернаука*, (42-1), 52-53.
- 10.Diyorakhon, N., & Gulbakhor, R. (2017). Viability of Dunaliella salina in the state of anhydrobiosis. *European journal of biomedical and life sciences*, (1), 4-5.
- 11.Mikhaylov, V. S., Bukaeva, A. A., Rumyantseva, V. A., Kotlukova, N. P., Radjabova, G. M., Balashova, M. S., ... & Zaklyazminskaya, E. V. Molecular genetic testing of the TTN gene in children with dilated cardiomyopathy.
- 12.Dzemeshkevich, S. L., Motreva, A. P., Kalmykova, O. V., Nechepurenko, A. A., Korzh, D. A., Tarasov, D. G., ... & Zaklyazminskaya, E. V. Sudden cardiac death prevention in a patient with diffuse generalized hypertrophic cardiomyopathy, associated with two mutations in MYH7 and MyBPC3 genes.
13. Inomjonovna, R. I., & Erkinovna, E. N. (2023). SOCIAL PEDAGOGICAL FACTORS FOR PREVENTING AGGRESSIVE SITUATIONS CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATION. *Journal of new century innovations*, 12(2), 29-34.
14. Inomjonovna, R. I., & Erkinovna, E. N. (2023). SOCIAL PEDAGOGICAL FACTORS FOR PREVENTING AGGRESSIVE SITUATIONS CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATION. *Journal of new century innovations*, 12(2), 29-34.
15. Inomjonovna, R. I. (2023). DEVELOPMENT OF cREATIVE COMPETENCE OF EDUCATORS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Journal of new century innovations*, 22(1), 125-129.
16. Рахматова, И. И. (2016). МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ ИГРЫ В ПРОЦЕССЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 23-25.
17. Inomjonovna, R. I. (2023). STEAM EDUCATION IS ONE OF THE MAIN TRENDS IN THE WORLD. *Journal of new century innovations*, 21(2), 27-32.
18. Inomjonovna, R. I., & Xolmirzayevna, X. N. (2023). TYPES, METHODS AND METHODS OF TEACHING VISUAL ACTIVITY KNOWLEDGE AND APPLICATION. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 14(3), 92-97.
- 19 .Inomjonovna, R. I. (2023). PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PICTURE ACTIVITY IN EDUCATIONAL PERSONALITY. *Journal of new century innovations*, 22(1), 113-118.
20. Inomjonovna, R. I. (2023). HUMAN CAPABILITIES-SOCIAL DEVELOPMENT IS A PRODUCT. *Journal of new century innovations*, 22(1), 119-124.